



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари

Аввал хабар берганимиздек, 20 май кuni кечкурун Алматы шаҳри марказидаги республика саройида Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу муносабат билан пойтахтнинг мазкур ҳаёаматли саройига Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг маданият, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакиллари, хорижлик меҳмонлар ҳамда шаҳар аҳли вакиллари тўпланди. Йиғилганлар Президентлар Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев ҳамда икки мамлакат ҳукумат аъзоларини олқишлаб кутиб олдилар.

Тантанали йиғилишни Қозоғистон Республикаси Бош вазири Е. Асанбоев очди. Икки республиканинг давлат махфиялари янгради.

Кечада Нурсултон Назарбоев билан Ислам Каримов табрик нутқи сўзладилар.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто. Ф. Курбонбоев олган сурат.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги алоқалар ўзининг узоқ тарихига эга. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ана шу дустона муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Жумладан, 1992 йилнинг августида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Покистонга расмий сафари бу муносабатларнинг янги ҳуқуқий асослари яратилишига имкон берди. Мазкур сафар чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар халқларимизнинг ўзаро алоқалари янада мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқнинг ривожланишига, қатор соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик урнатилишига хизмат қилмоқда. Лекин ҳали фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, халқларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш даври талабидир.

22 май кuni Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг мамлакатимизга ташриф буюриши шу жиҳатдан гоят аҳамиятлидир.

Тошкент аэропорти юксак мартабали меҳмон шарафига байрамонга безатилган, тайёрағида Покистон ва Ўзбекистон давлат байроқлари ҳилпирайди.

Аэропортда Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто ва унинг турмуш ўртоғига Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан пeshов чикди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Беназир Бхутто махсус шохсупага кутарилди. Покистон ва Ўзбекистон давлат махфиялари янгради. Ислам Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортнинг қуркам биносида меҳмонлар хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашдилар.

Сўнгра Ислам Каримов ва Беназир Бхутто расмий делегация аъзолари билан танишдилар. Сўнг икки мамлакат раҳбарларининг қисқача мулоқоти бўлиб ўтди.

Шундан кейин Покистон ва Ўзбекистон давлат байроқлари рамзи урнатилган автомашиналар қарвони Покистон ҳукумат раҳбари учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Ўзбек ва урду тилларида икки халқ дўстлигини улуғловчи шiorлар битилган пойтахт кўчаларида минглаб шаҳарликлар меҳмонларни олқишладилар.

Машиналар қарвони байрамонга безатилган Тошкент кўчалари бўйлаб Покистон ҳукумати раҳбари учун ажратилган қароргоҳга етиб

келди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг қароргоҳига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон раҳбари билан Покистон ҳукумати бошлиғи ўртасида яқинлашган ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Бу билан улар қадимий Буюк Ҳинд кўли орқали шаклланган алоқаларни ривожлантиришда, мамлакатларимиз ўртасида ҳаво йўли очилгани бу борада гоят кўл келмоқда. Марказий Осиёда, хусусан, Афғонистонда тинчлик урнатилиши Термиз-Карчи автомобиль йўлини қуриш имконини беради. Кейинчалик эса икки мамлакат ўртасида темир йўл қурилиши, алоқа тармоқларини кенгайтириш, охир оқибатда фойдали ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис музокараларда минтақада тинчлик ва оқойишлаларга эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Тошкентда Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорликка бағишланган БМТ доимий семинарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашини яна бир қарра таъкидлади. Томонлар Афғонистонда тинчлик қарор топилиши тэзлатиш, биродарқушлик урушини тугатиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу мамлакатга қурола-ароғ олиб киришни таъкиллаш зарурлиги хусусида ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Музокаралар нияосида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги, сайёхликни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдуллазиз Комилов ва Покистон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Асиф Аҳмад Али имзо чекдилар.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхутто махаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди. Учрашув чоғида Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Беназир Бхутто олий даражадаги учрашув ва музокаралар якунлари хусусида баёнот бердилар.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон буюк утмишига эга эканини қайд этар экан, Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида унинг порлоқ келажақ кутатганига ишончи қомил эканини таъкидлади.

Покистонлик журналистлар Президент Ислам Каримовнинг Қашмир муаммосига муносабати билан қизиқдилар.

Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик қарор топиши тарафдоридир, — деди Ислам Каримов бу савол

ганига эътибор қаратар экан, улар халқларимизнинг азалий қардошлиғи, ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Икки мамлакат ишбилармонлари бу алоқаларнинг мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Бу билан улар қадимий Буюк Ҳинд кўли орқали шаклланган алоқаларни ривожлантиришда, мамлакатларимиз ўртасида ҳаво йўли очилгани бу борада гоят кўл келмоқда. Марказий Осиёда, хусусан, Афғонистонда тинчлик урнатилиши Термиз-Карчи автомобиль йўлини қуриш имконини беради. Кейинчалик эса икки мамлакат ўртасида темир йўл қурилиши, алоқа тармоқларини кенгайтириш, охир оқибатда фойдали ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис музокараларда минтақада тинчлик ва оқойишлаларга эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Тошкентда Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорликка бағишланган БМТ доимий семинарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашини яна бир қарра таъкидлади. Томонлар Афғонистонда тинчлик қарор топилиши тэзлатиш, биродарқушлик урушини тугатиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу мамлакатга қурола-ароғ олиб киришни таъкиллаш зарурлиги хусусида ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Музокаралар нияосида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги, сайёхликни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдуллазиз Комилов ва Покистон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Асиф Аҳмад Али имзо чекдилар.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхутто махаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди. Учрашув чоғида Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Беназир Бхутто олий даражадаги учрашув ва музокаралар якунлари хусусида баёнот бердилар.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон буюк утмишига эга эканини қайд этар экан, Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида унинг порлоқ келажақ кутатганига ишончи қомил эканини таъкидлади.

Покистонлик журналистлар Президент Ислам Каримовнинг Қашмир муаммосига муносабати билан қизиқдилар.

Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик қарор топиши тарафдоридир, — деди Ислам Каримов бу савол

23 май кuni Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг мамлакатимизга расмий ташриф нияосига етди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди.

Байрамонга безатилган аэропорт биносида Покистон Бош вазири хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан хайрлашди.

Покистон Бош вазири Беназир Бхутто ҳамда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов махсус шохсупага кутарилди. Икки мамлакат давлат махфиялари янгради. Сўнгра Ислам Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтди.

Беназир Бхутто йиғилганлар олқиши остида Покистоннинг суюкли фарзанди хотирасига қўйилган ёдгорлик лавҳасини очди.

Шу кuni Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Покистон ва Ўзбекистон давлат байроқлари билан безатилган Бухоро аэропортида юксак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов, Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камолов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Қадимий ва навқирон Бухороий шариф билан танишув шаҳар чеккасидаги Баҳауддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат этишдан бошланди. Зиёратгоҳда Покистон ҳукумати раҳбари ва унинг ҳамроҳлари тарикат илмининг буюк устози Баҳауддин хазратларини ёд этиб, Қуръон тиловат қилдилар.

Баҳауддин Нақшбанд фалсафаси Ислам оламида жуда машҳурдир. Шу жиҳатдан муштарак Ислам маданиятига эга Ўзбекистон ва Покистон халқлари учун аллома Нақшбанд мероси бирдек қадридлир, — деди Беназир Бхутто зиёрат чоғида. У Баҳауддин Нақшбанд зиёратгоҳи учун 25 минг АҚШ долларини хайрия қилди.

Юксак мартабали меҳмонлар тушган автомашиналар қарвони Бухоронинг эски шаҳар қисмига йўл олди. Сомоний қисмга мақбраси покистонлик меҳмонларда чучук таассурот қолдирди. Бу ерда ташкил қилинган бухоролик кандакорлар, зардузлар ва хунармандлар ясаган маҳсулотлар курғазма-сини меҳмонлар қизиқиб томоша қилдилар.

Беназир Бхутто Пойи Калон ёдгорлик мажмуи — Мирнораи Калон, Масжиди Калон ҳамда Мир Араб мадрасаларини зиёрат қилар экан, ҳайратини яширолмади.

— Гузал ва латофатли Бухоро ҳақида кўп эшитганман, — деди юксак мартабали меҳмон мамлакатимиз

раҳбарига, — бу афсонавий шаҳарни зиёрат этиш имкониятига эга бўлганимдан гоят бахтиёрман.

Бухоро шаҳридаги марказий кўчалардан бирига покистонлик йирик файласуф ва шоир Муҳаммад Иқбол номи берилиши муносабати билан шаҳар жамоатчилиги иштирокида тантанали митинг бўлди.

Республикаимиз Президенти Ислам Каримов митингда Имом Бухорий, Баҳауддин Нақшбанд, ибн Сино каби буюк алломалар юрти — Бухороий шарифда покистонлик буюк шоир ва файласуф Муҳаммад Иқбол хотираси абадийлашгани Покистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлигидан далолат эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Покистон тарихи улкан чинор дарахти танаси каби яхлитдир. Шу боис, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, маданий алоқалар азалдан ривож топиб, мустаҳкамланиб келган. Бугун Покистоннинг миллий қайта тикланишига муносиб ҳисса қўшган шоиримиз Муҳаммад Иқбол номига Бухоро кўчаларидан бирининг қўйилиши мана шу дўстлигимиз рамзидир, — деди Покистон Бош вазири Беназир Бхутто.

Беназир Бхутто йиғилганлар олқиши остида Покистоннинг суюкли фарзанди хотирасига қўйилган ёдгорлик лавҳасини очди.

Шу кuni Покистон Бош вазири Беназир Бхутто ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Самарқандга ташриф буюрди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдурахмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Меҳмонларнинг Самарқанд билан танишуви улуг муваффиқ, имом Исмоил ал-Бухорийи мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Покистон Бош вазири Ислам Каримов ва унинг ҳамроҳлари тарикат илмининг буюк устози Баҳауддин хазратларини ёд этиб, Қуръон тиловат қилдилар.

Шундан сўнг покистонлик меҳмонлар афсонавий Регистон майдонига келдилар. Бу ерда вилоят хунармандлари ясаган амалий санъат намуналари билан танишдилар. Самарқанд бадиий ҳаваскорлари ва фольклор-этнографик дасталари ижросидаги қуй ва қўшиқларни тингладилар. Беназир Бхутто ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегация Шарқ меъморлигининг намунасига айланган Гури Амир мақбарасини ҳам зиёрат қилди.

Икки мамлакат халқлари дўстлиғи рамзи сифатида Самарқанд ва Покистоннинг Лаҳор шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари урнатилгани тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Покистон Бош вазири Беназир Бхутто шу кuni Самарқанддан ватанига жўнаб кетди. Уни Самарқанд аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Самарқанд вилояти ҳокими Пулат Абдурахмонов, республика Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу кuni Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

(ЎЗА).

БИЗ БИР ДАРЁДАН СУВ ИЧАМИЗ



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президентини Алматы аэропортида кутиб оlish пайти. Ф. Курбонбоев олган сурат.

ДўСТЛИГИМИЗ ҚУЁШИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР ҚАРҲИДАН НУР СОЧАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли қозоқ туғишганлар! Азиз дўстлар! Муҳтарам дўстим Нурсултон Абишевич! Бугун биз, Ўзбекистон вакиллари, Сиз қозоқ биродарларимизнинг очик чехраларини қўришдан, Сизларга ўзбек халқининг салимий саломларини етказишдан гоят мамнун эканлигимизни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Биз, Ўзбекистондан келган дўстларнинг ўзимизни қуноқ сифатида эмас, балки ўзимизга энг яқин ва энг қадрдон, қўнғилимиз ҳам, ўйимиз ҳам, нияту мақсадларимиз ҳам бир оилада ҳис этмоқдамиз.

Ўзбек қозоқ қардошлар! Азиз Нурсултон Абишевич! Энг аввало бу аҳойиб ва ушшоқ йўқ дўст — биз, барча ўзбеклар учун яқин бўлган Қозоғистонга ташриф буюриш имконини яратганингиз, Сизнинг Ўзбекистон шаънига, унинг халқи шаънига айтган салимий дил сузларингиз учун миннатдорчилик билдиришини истар эдим.

Дўстим Нурсултон Абишевич ва бутун қозоқ халқини ақлида ўтказилган умумхалқ Референдуми натижалари билан, халқнинг юксак ишончи, Президент ваколатлари мўддатини 2000 йилга қадар узайтирилгани билан муборакбод қилиш менга улкан мамнуният бағиш этди.

Биз Референдум натижаларини қўп миллионли халқимизнинг Қозоғистоннинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодик билан ўтказилаётган таъкилланган ва ишхўрлар сиёсати, қўп миллионли халқ ва унинг келажақи манфаати йўлида ўтказилаётган сиёсатга юксак ишончининг намояни бўлиши, деб биламиз.

Хурматли дўстлар! Бизга оллонинг ўзи қўшини бўлиб яшашдек улкан неъматини ҳада этган. Бизнинг халқимизда «хонли олма, қўшини ол» деган мақол бор.

Биз азалдан буюк Турон-Туркистон деган ерда яшаймиш, бизга битта Қўёш нур сонди, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўшини қўшини ердан берган, ундан хол сураган, бир-биридан нонини, ширин сўзини аямган.

Бизнинг илдизларимиз муштаракдир. Буюк боболаримиз Ал Беруний ва Ал Форобий, Ибн Сино ва Улуғбек, Баҳауддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Авезовнинг, бутун инсоният фахрларини тилга оладиган қўллаб бошқа аждодларимизнинг юлдузлари аспар оша бизга нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур сочмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИРЛИГИМИЗ, ҚУШНИЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТ НУРСУЛТОН НАЗАРБЕКОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли Президент! Хурматли Олий Мажлис Раиси! Хурматли Бош вазир! Хурматли ўзбек қардошлар!

Аваллаб буюк барчанингиз икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқнинг ёрқин намоишига айланган улкан воқеа — Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси кунларининг очилиши муносабати билан чин қалбдан табриклайман!

Қозоқ жигарларингиз, барча қозоғистонликларнинг Сизларга бўлган қайноқ ихлосига тула саломни ҳамда қардошлик тилакларини қабул қилгайсизлар!

Утган йилнинг мана шундай баҳор кунларида Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон Республикаси кунлари бўлиб ўтгани эсимизда. Ушанда, «Туркистон» саройида сузлаган нутқимизда қорак аср мубайнида икки қўшини қардош халқ ўртасида маданий алоқа-кам дўстлик ва аҳулиликни мустаҳкамлаш, мустақиллигимиз ва эгаменлигимизни биргаликда ҳимоя қилиш — асосий вазифамиздир.

Биз азалдан ризиқ рўзимиз бир халқимиз. Тарихимиз бир, тилимиз бир, динимиз бир. Ўзбек ҳам, қозоқ ҳам болалигидан бошлаб «Алпомиш» достони билан танишади, икки халқ уни ўзининг руҳий мероси ҳисоблайди. Уша Алпомиш Бойчибарининг тўғи теккан қутлуг макон — Жийдали Бойсўнинг ўзбек диверди эканини яқини биласизлар. Биз қадимий Турон ўлкасида аспар давомиде аралаш-қуралаш яшаб келган қўллаб уруғларининг давоми, бир пайлар ягона оиладай яшаган ота-боболаримизнинг бугунги авлодларимиз. Ўз тарихимизни ўзимизга хира қўрсатиб келганига натижасида бугунги ёш авлод утган ота-боболаримизнинг бир халқ, бир хонлик тарихида бўлиб келганини ўнчалик билвермайди.

Биз буларнинг барчасини кейинги авлодга чуқур тушунириб, ота-боболаримизнинг бирга яшаганини, бизлар ҳам бирга бўлишимиз кераклигини яхшилаб ўқитишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

БУГУНГИ КУН

НАРАСН

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бош вазир Беназир Бхуттога ҳамроҳ бўлган покистонлик бир гуруҳ тадбиркорлар Давлат мўлки ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Ташқи иқтисодий фазолият миллий банки, шунингдек Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлилар.
- Сўрхондарё вилояти галлакорлари биринчи бўлиб арпа ўримиға тушдилар. Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам галла ўрими бошланмоқда. Бу йил республикаимизда 1 миллион 350 минг гектар майдонда галла экинлари еттиштирилди.
- Қана Тошкентда «Зарафшон — Нўмонот» Ўзбекистон — Америка қўшма қорхонасининг таништириш маросими бўлиб ўтди.
- Қана валюта биржасида бўлиб ўтган набаёдаги савдода 24 майдан бошлаб 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 26 сум 90 тийин қилиб белгиланди.

ҲАМДУСТЛИКДА

- Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев бу ерда давом этаётган Ўзбекистон Республикаси кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳини қабул қилиб, уларга давлат муқофотларини топширди.
- Эртага Грознийда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот воситачилигида Жокар Хаддоев вакиллари билан Россия Федерал маъмурулари ўртасида музокаралари бўлиши керак.

Дўстлигимиз қуёши минг йилликлар қабридан нур сочади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хар биримиз Хўжа Аҳмад Яссавий номини тилга олар эканмиз, алоҳиди гурурини ҳис этамиш. Унинг фаолияти донолик ва адолат мезони бўлиб, Туркистондаги барча халқларни бирлаштириб, жипслаштириб турибди.

Дастлабки учрашувлардан бирини ана шу муқаддас жой — Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида ўтказишга қарор қилганимиз ва шу ерда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманимиз ўз имзоимиз билан тасдиқлаганимиз тасодиф эмас. Бунинг Сиз ҳам, Нурсултон Абиевич, ҳақли равишда таъкидлаб ўтдингиз.

Ханузгача ёдимда: қадимги Ясса, ҳозирги Туркистон шаҳри ҳамда унинг яқин атрофидаги овуллар ва қишлоқлар аҳолиси, қозоқлар ва ўзбеклар мақбара олдидagi майдонга туپланишди.

Халқнинг ўзи бизнинг шартноманимизни, халқларимизнинг қардошлик алоқаларини мустақамлаш тўғрисида Нурсултон Назарбоев билан қабул қилган қасамдимиэзни маълумлади. Ушунда менинг назаримда биз имзолаган шартноманимиз фақат халқ эмас, буюк аждодимиз Хўжа Аҳмад Яссавий ҳам маъқуллагандек эди.

Азиз дўстлар!

Биз, қозоқлар, киргизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, шу ғўзал диёримизда яшайдиган барча кўп сонли миллатлар ва элатлар, тақдир тақозоси билан аҳил бўлиб яшашга, дўст бўлиб яшашга, хонадонимизни, фарзандларимизни урушлардан, келишмовчиликлар ва бир-бирига қарама-қарши туришдан асраш учун, миннатдор авлодлар бизнинг шанимизга, ҳозирги кийин шариоатда муштарак истиқболимиз биносининг пойдеворини барпо этаётган кишилар шанига яхши сўзлар айтиши учун ўзимизга боғлиқ ҳамма ишни қилишга мажбур этилганмиз.

Марказий Осиё халқларини буюк мақсадлар йўлида, келажак йўлида бирлаштиришни бошлаб беришда дўстим Нурсултон Назарбоев билан муносабатларимиз яхши пойдевор, мететидек мустақамлайдиган бугун эканлини чин дилдан эътироф этаман. Чунки, шу мингтақадаги давлатлар ва халқларни бирлаштириш тўғрисидаги кўп гавлар Нурсултон Назарбоевдан чиққан.

Азиз қозоқ дўстлар! Ўзбекистонда шу кунларда Абай Қунанқобоевнинг 150 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кетмокда.

Буюк Абай ўзбек биродарлари тўғрисида бундай деган эди: **«Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган эканининг ўзи йўқ, ер юзиде ўзбек савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар урдалай олмайдиган ишининг ўзи йўқ... Ўткир зехн, маҳорат, аъжирлик ва тадбиркорлик — буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятдир. Вазминлик ва хушумомалалик ҳам шуларда...»**

Айтинчи, азиз дўстлар, биз ўзбеклар шундай сўзларни айтган буюк Абайни севмаслигимиз мумкинми, ахир!

Ўзбек халқи орасида Абайнинг катта шухрат қозонгани ҳам шундан. Бу шухратнинг яна бир сабаби — қозоқ халқининг бошқа бир фарзанди **Мухтор Аевзонинг асари, унинг «Абай» романидир**. Бу асарни ҳар қандай маърифатли кишининг ўйидан топиш мумкин.

Мухтор Аевзонинг ўзи далолат беришича, у буюк **Абдулла Қодирий**н устоз деб билган. Бу эса, кўп нарсанинг,

аввало халқларимиз маънавий мероси узвий ва муштарак эканининг далилидир.

Бу — ажойиб ўзбек шоири **Ғафур Ғуллом, дўстлигимиз қуёши минг йиллар оша нур сочмокда**, деганида нақадар ҳақ бўлганини кўрсатади.

Бизнинг биродарлигимиз тарихи синовидадн ўтган, аждодларимиз умумий душман ҳужумини биргаликда даф этишганида, уларнинг қони билан йўрилган.

Ўзбекларнинг ўғлонлари ҳам ҳозирги Қозогистон дийерини босқинчилардан ҳимоя қилиб, қозоқлар билан ёнма-ён туриб уришганини биламиз.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, фақат ўзимнинг эмас, бутун халқимизнинг фикрини айтмоқчиман: «Ҳозирги кунда Қозогистоннинг мустақиллиги ва барқарорлиги — Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги ва барқарорлигидир». Ўзбекистон мустақиллиги ва барқарорлиги Қозогистон учун ҳам шундай эканига ишонаман.

Қозоқ халқининг ўша йиллардаги тарихи саҳифалари жуда ғамгин саҳифалардир. Бутун-бутун қабилалар ўш жойини ташлаб кетган. Уларнинг кўплари биродарлари — ўзбеклар юртидан бошлана толган. Уларнинг авлодлари — бир миллиондан ортқ киши ҳозир ҳам биз билан яшамокда ва меҳнат қилмокда.

Қозоқ уруғлари ўша оғир йиллардан ўзлари учун тарқалиб кетмаслик, бирлашиш, бир бутун қалб бўлиш керак, деган буюк сабоқ чиқарганлар, бу сабоқни биз ўзбеклар ҳам бутун узок ва қийин тарихимизда бошдан кечирганмиз.

Ҳоржий босқинчиларга қарши курашда қозоқ халқини бирлаштиришга муваффақ бўлган уч буюк бий — **Тўлабий, Қозоқбеквий, Ойтекебийнинг** номлари чиндан ҳам мардлик ва жасорат, ўз халқига, ўз дийрига чекиз садақот рамзи бўлиб қолган.

Сиз, қозоқ биродарлар **Карлиғашбий** ҳам деб атайдиган Тўлабий, чиндан ҳам узокни кўра била оладиган инсон, ўзбек дийрига кўчиб ўтган қозоқларни ўзбеклар билан тинчлик ва дўстликда яшашга, ўзбекларнинг қонунарига рия қилишга даъват этган эди.

Тўлабийнинг сўнгги хоҳишича қаранг: у ўзини Тошкентдаги муқаддас Шайхонтохур мазорига дафн этишни васият қилган, шу тариқа бизнинг пойтахтимизни ўзбеклар учун ҳам, қозоқ биродарларимиз учун ҳам зийратгоҳга айлантирган.

Хурматли дўстлар!

Азиз Нурсултон Абиевич!

Халқларимиз мустақилликка эришиб, демократик жамият куриш йўлидан дадил қадам ташлаётган ҳозирги пайтда қозоқ халқининг яна бир ажойиб фарзандининг номини эслаш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Мен **Турар Рыскулов ва унинг сафдошлари** тўғрисида гапиряпман.

У Туркистон ўлкасидаги барча республикаларнинг халқлари бирлашиши ва биродарлигининг қизгин тарафдори ва жаричиси эди. Турар Рыскулов ўша даврдаги ҳукмрон мафкурага қарамай, ҳозир биз ёлаётган гоё учун мардонга курашди, бутун вужудини билан курашди. Ўз ҳаётини шу гоё учун қурбон қилди.

Ажойиб аждодларимизнинг барча халқларини бирлик ва биродарлиги учун зўр бериб курашгани, фидокорлиги ва қадимги ўлкадаги бутун халқ кўлаб-қувватлашмига интилиши ҳозирги кунда муштарак мулкимизга айланган ва аниқ ишларимизда рўйбга чикмокда.

Олис ва яқин тарихимизда эслашга арзийдиган воқеалар жуда кўп. Бу тарихда фақат бир

нарсa — душманлик йўқ, чунки, биз икки абадий тушунча, қозоқлар айтганидек, **«Ўзбек — ўз оғам»** бўлса, ўзбеклар айтганидек, **«қозоқ йўлдошинг бўлса, йўлдан адашмайсан»** деган тушунчага муқаддас қонун қаби амал қилиб келганмиз.

Тошкент кўчаларида дахшатли зилзила пайтида ёрдамга келган қозоқ биноқорлари қурган уйлар қад кутариб турибди.

Ҳозирги кунда мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмокда. Улкан бойликларга эга бўлган икки мустақил давлат сиёсий, иқтисодий, маънавий ва инсоний салоҳиятларини тағин ҳам жипсрок бирлаштириш йўлидан бормокда.

Бунга бизни фақат жўғрофий яқинликига эмас, тарихий, этник, тил, маданият, диний муштаракликига эмас, шу билан бирга фақат биргалишиб, мустақам ҳамкорликда ҳал қилиш мумкин бўлган умумий иқтисодий, ижтимоий-экологик муаммоларнинг кўпчилиги ҳам ундамокда.

1993 йилнинг июль ойида Қозогистон билан Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги битим имзоланди. 1994 йилнинг январда ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди (апрель ойида мазкур шартномага Қирғизистон Республикаси қўшилди).

Ижроия Қўмита тўзилди, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки тасвис этилди. Ана шу органларнинг иши натижада Бишкекда Республикалар Бош вазирлари кенгаши қарори имзоланди. Унда томонлар 2000 йилга қадар республикаларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қиянлаштиришнинг йўналишларини, шартномада иштирок этувчи давлатлар халқ ҳўжалиги мажмуаларини ривожлантиришнинг устиворлигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда амалга ошириладиган сармоа сарфлаш ва объектларни барпо этиш лойиҳаларини аниқлашди.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормокда. Хусусан, ҳозирги пайтда **илм-фан ва технологияларнинг 16 та устивор йўналиши бўйича 107 лойиҳадан иборат кўшма илм-техника дастури** тайёрланган ва қўриб қилимокда. Бу лойиҳаларнинг айримлари бўйича биргаликда иш бошлаб юборилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикасида Қозогистон Республикаси кунларини ўтказиш чоғида **янги технологиялар бўйича Ўзбекистон — Қозогистон марказини** барпо этиш тўғрисида ахдлашувга эришилган эди. Шу кунларда биз марказининг тасвис ҳужжатларини имлолашни режалаштиряпмиз.

Тенглик асосида ахборот ва тахиритири материаллари алмаштирилди, базалар ва маълумот банкларини айлриб-баш қилиш тўғрисидаги тақлифлар тайёрланди. 1995-1996 йилларга мўлжалланган битим лойиҳаси ҳам тайёр. Бу битим чинакам ягона илмий-техникавий ахборот худудини вужудга келтиришга имкон беради.

Патентга доир маълумотларни айлриб-баш қилиш тўғрисида Қозогистон Республикаси Миллий патент маҳкамаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент маҳкамаси ўртасида икки томонлама битим тўзилди.

Халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича бошқа лойиҳалар ҳам бор. Биз интеграция йўналишини белгилла олдик. Бу халқларимиз фаровонлиги, республикаларимиз иқтисодий салоҳияти

нинг юксалишига кучли туртки бўлишига, ҳар бир давлатда ва бутун бир минтақада иқтисодий вазиятнинг соғломлашишига кўмак беришига ишончим комил.

Республикаларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳам аънавайидир. Чўқон Валихон, Абай, Жамбул, Мухтор Аевзон, Собит Муконнов, Анвар Олимжонов, Ўлжас Сулаймонов — уларнинг ўзбек ва қоракалпоқ тилларига таржима қилинган асарлари кутубхоналаримизда ўзбек ёзувчилари асарлари билан доимо ёнма-ён туради.

Биз Ойбек, Ғафур Ғуллом, Миртемирнинг қозоқ қардошларимиз орасида қай даражада машҳур эканини ҳам биламиз.

Ҳозирги пайтда, илгари айтганимдек, **Ўзбекистонда 1 миллиондан ортқ қозоқ, Қозогистонда эса — ярим миллиондан ошқ ўзбек истикомат қилади.**

Бизда **605 қозоқ мактаби** бор. Уларда **15 минг бола** ўқийди. Ҳозир миллий маданиятларнинг қайта тўғиллаётгани ҳақида кўп гапириб расм бўлган, бироқ мен Тошкентдаги **қозоқ маданияти маркази** фаолияти ҳақида гапирар эканман, қозоқ маданиятининг қайта тўғиллиши ҳақида эмас, унинг ривожланиётгани хусусида гапиршни истар эдим.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Нукус ва Навоий педагогика институтларида тахсил қозоқ тилида олиб бориладиган бўлимлар бор. Кўп-кўп олий ўқув юртилари ва техникумларда кириш имтиҳонлари қозоқ ўшларидан уларнинг она тилида олиниши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурнда қозоқ адабиёти кенгаши муваффақиятли ишлаб турибди.

Жиззах вилоят театрида **«Коктем» қозоқ театр-студияси** ташкил этилган. Мана, тўрт йилдирки, қозоқ тилида **«Нурли жол»** республика газетаси нашр этилмокда.

Хурматли дўстлар!

Муносабатларимиз янада ривожланиши ва турмушнинг янги-янги қирраларини қамраб олаверишига шак-шўбха йўқ. Ҳозир Қозогистонда ўтаётган Ўзбекистон Республикаси кунлари ҳам Ўзбекистонда ўтган силзларнинг республикаимиз кунлари сингари — ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш сари ташланган янги қадамдир.

Халқларимиз бундан фақат юртади ва агар биз яхши кўшни ва дўст, тенг шерик сифатида савдо, сармоалар, айлриб-башлар, ҳукумат даражасида ва бошқа даражаларда алоқаларини кенгайтиришга ўзаро яхши шариот яратиб бериш тамойилини амалга оширишга эришсак, улар ҳозирги ислохотларни амалга ошириш натижасида тўғри маънода бой бўлишад.

Мен **Ўзбекистонда Қозогистон кўпроқ бўлиши, Қозогистонда эса Ўзбекистон кўпроқ бўлишининг** астойдил таърифдориман. Нурсултон Абиевич бу маънода мени қўлаб-қувватлайди, деб ўйлайман. Биз шундай қилсак, юксак тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан тезроқ баҳраманд бўлимиш, охир-оқибатда юксак тараққиётга эришамиз.

Биз мамлакатда иккинчи мамлакат фирмаларининг филиаллари, машҳур қорхоналар, компанияларнинг магазинлари кўпроқ очилаверсин. Турон халқлари ҳаётининг тарихий қонтомири, ҳар доим қарвонлар бир-бирининг истиқболига қараб юрган **Буюк ипак йўли** қайтадан тикланиши керак.

Айрим мансабдор ва раҳбарларнинг сусткашлиги, узокни кўра билмаслиги, чекланганлиги туфайли пайдо бўлган бюрократик гавларда ифода бўлаётган барча сунъий тўсиқларни олиб ташлаш керак.

Бу йўлни поклик, соғлом

фикр, дўстлик ва ишончга асосланган Буюк ипак йўли деган юксак номга муносиб қилиш бизнинг кўлимиздан келади.

Биз ҳаммамиз — ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, мамлакатларимизни ватан қилган бошқа халқлар ва миллатларнинг вакиллари ҳам масалага мана шундай ёндошуш, бу тамойилларнинг ҳаётимизда муайян равишда амалга ошиши тарафдоримиз.

Хурматли дўстлар, бовурларим!

Икки давлатнинг ақл-зиё ахли, миллий санъат юлдузлари, таниқли олимлар, адабиёт арбоблари, журналистлар, иқтисодчилар, тадбиркорлар, ишлаб қилишчи ходимлари бир дастурхон тева-рағида дўстона учрашадиган ҳозирдагидек тадбирлар байрамона кўнгли очарлар, дунёвий суҳбатлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Биз, халқимиз бошидан кечираётган даврининг — ҳозирги кунда қадимий Турон-Туркистон дийрида юз бераётган воқеаларнинг муҳимлиги ва масъулиятини биргаликда ағглаб етмоғимиз лозим.

Шўбхасизки, турмушнинг барча соҳаларидаги ҳаётбаш ўзгаришлар маънавий ва ахлоқий қадриятларни тиклашдан бошланади. Қадри дўстлар, айна шу соҳада сизларнинг эътиборли кишилар эканингиз, жамиятдаги, халқ орасидаги бўғрингиз катта аҳамият касб этади.

Сизлар ижодингиз, ижтимоий фаоллигингиз билан ривожланган ва гуллаб-яшнаган давлатлар сафи томон ҳаракатимизни тезлаштиришда ёрдам беришигиз мумкин. Энг муҳими, **ниҳоят ўзимизнинг бир бутун, ахлат қадимий Туркистон фарзандлари эканимизни ҳис этишимизга ва айна пайтда ўзлимизни, ўз мустақиллигимиз ва ўзимизга хос фазилатларимизни сақлаб қолишга ёрдам беришигиз мумкин.**

Қийинчиликларни бошимиздадан биргаликда кечиршимиз осонроқ бўлади, бунёдкорлик қилиш шугулланишимиз, ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий таъйикларга бардош бериб, олдимизга қўйган мақсадга эришимиз осонроқ бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда, биргаликда ҳал қиладиган муаммоларимиз кўп, биргаликда мулоҳаза юритадиган, фикрлашадиган, кўнглимизда тўлғиб қолган ва айтадиган гапларимиз кўп.

ХХ аср ниҳоясида икки мустақил демократик давлатимиз янги тарихида яна бир беш йилликни ўтказишимиз керак. Бу йилларнинг қандай бўлиши, улар бирига қандай яхшиликлар келтириши, авлодлар бизни қандай эслаши ўзимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Биз Қозогистонга қозоқ халқи учун унутилмас йил — буюк шоир ва мутафаккир Абай туғилган кўннинг 150 йиллиги нишонланаётган йилда таширф бюрдик. Абай бундай деган эди: **Бўлсин десанг умр қарогон, Тақдирингиз оқлагил, инсон. Садоқатли дўстсиз жаҳонда Боқили, шухрат-бариси ёлгон.**

Бу ҳаққоний сўзлар фақат бугунги тантананинг эмас, умуман ўзбек — қозоқ муносабатларининг шори бўлиши керак деб ўйлайман.

Шундан кейин Президент И. Каримов қозоқ тилида давом этади:

Хурматли қозоқ биродарлари! Мен бир ўзбек азамати, ўзбек ота-онанинг фарзанди, дилмидаги бир рост гапни айтмоқчиман:

Қозоқ элини, қозоқ ерини, қозоқ биродарларимизни кўраман.

Бу фикр фақат менинггина эмас, барча ўзбекларнинг қонига, жон-танига сингиб кетган фикридир.

— Ерда ҳаёт бор экан, қозоқ халқи абадий омон бўлсин, яшасин!

— Қозоқ биродарларим ҳеч қачон жафо чекмасин!

— Биз — ўзбеклар ва қозоқлар бир-биримиздан сира ажралмайлик!

Бирлигимиз, қўшнилигимиз янада мустақамланади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизларнинг тарихимиз — бизларнинг ягона меросимиздир. Тарихимизда фахрланишга арзийдиган воқеалар ҳамда шахслар оз эмас. Ҳар бир қозоқ ўзбек тўпроғида яшаб ўтган уламолар — Мухаммад Ибн Муса Ал Хоразмийни, Абур Райхон Берунийни, Абур Али Ибн Синони, Мухаммад Тарағай Улугбекни, буюк шоир Алишер Навоийни сўйиб, ардоқлайди. Ҳар бир ўзбек қозоқ тўпроғида дунёга келган Абу Наср Ал Форобийни, Қурқит Отани, Хўжа Аҳмад Яссавийни яхши билади, эъзоз-лашди. Ўзбекистонда Абайнинг 150 йиллик тўйига тайёргарлик бораётгани кўнглимизда қувонч ва мамнуният тўйгуларини уйғотди. Ҳозир Абайни ўзбеклар ўзбек тилида, Алишер Навоийни қозоқлар қозоқ тилида ўқийди. Биз шу тариқа бир-биримизни руҳий бойитамиз. Ўтган йили кузда таниқли ёзувчи, таржмон, адабиёт тадқиқотчиси Носир Фозилонинг халқлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, қозоқ адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилишидаги катта меҳнати учун Президентнинг тинчлик ва руҳий товулик муқофотини олиши бунинг ёрқин далилидир.

Асрлар бўлиб давом этиб келаётган урф-одатларимиз бугун қайтадан янгиламокда. Тарихи ҳам, маданияти ҳам ҳеч бир мамлакатникидан кам бўлмаган ўзбек халқининг асрий орузлари ушалиб, қадди ростланиб, мустақиллигини мустақамлаш йўлидан бормокда. Халқ тақдирини ҳал қилинаётган мана шундай пайтда ўзбек халқи ўзининг ардоқли фарзандини торбощи этиб сайлаб олди, мартоида унга яна бир бор ишончини намоён қилди. Ана шундай улкан ишончга эга бўлган ардоқли инсон — менинг азиз дўстим Ислам Каримовдир.

Мен Ислам Каримовнинг ўзбек халқи бахт-саодати йўлида қанчалик жон қуйдириб, қуч-қувватини яамасдан меҳнат қилаётганини яхши биламан. Давлатни бошқаришдаги мана шундай донолиги уни бутун дунё миқёсида улкан давлат арбоби даражасига кутарди.

Қозоқ ва ўзбек халқлари азалдан мард киши халқининг бахти, халқ эса мард кишининг бахти, деб билади. Шундай кишиларни бошига кутариб, алоҳида эъзозлайди. Бугунги кунда

ўзбек халқининг уз Президентига улкан ишонч билдириб, унга эргашаётгани халқ бирлигининг далили, келажакдаги кут-баракат, тукун-сончиликнинг бошланишидир.

Ислам Каримов фақат менинггина дўстим эмас, бутун қозоқ халқининг ҳам улкан дўстидир. Пайти келганда шунга айтиш лозимки, Қозогистон мустақиллигини эълон қилган дастлабки кунларда бизга турли томондан кўз олайтирганлар оз эмас эди. Ушундай бир оғир вазиятда фақат Ислам Каримов «ўзбек халқи қозоқ халқининг мустақиллигини ўз мустақиллиги сингари биргаликда ҳимоя қилишга тайёр» деб ҳеч нарсадан ҳайқмасдан, очик айтган эди. Ўзбек халқининг мустақиллиги хусусида бизнинг ҳам айтадиганимиз шу: қозоқ халқи мустақиллик масаласида доимо ўзбек халқи билан бирга.

Иккинчидан. Яқинда Ўрдабошида барча қозоқлар йигилиб, ота-боболарининг руҳларини ёдлаган кезде ҳам Ислам Каримов биз билан бирга бўлди.

Учинчидан. Ўзбек ва қозоқ Президентлари Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида чодир тикиб, тарихда «Туркистон шартномаси» деган ном олган битимга имзо чеккан эдилар. Бу битим буюк бобомизнинг руҳи қаршисидаги қасамга тенг, икки қардош халқнинг мустақиллигини, икки халқнинг мангу дўстлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Хурматли Исламжон, ўзингиз бошлққ бир ғўру ўзбек жигарларимиз қиянлашиб келаётган Абай отамизнинг 150 йиллик тўйининг азиз меҳмони бўласизлар, деб ишонамиш. Марҳамат қилгайсизлар, баргимизни очиб кутиб оламиз.

Менинг замондошларимга ҳам, келажак авлодларга ҳам айтадиган гапим — эски тоталитар тузумдан қолган қизғаничлик, қуролмаслик, манманлик сингари иллатлардан халос бўлиб, ўзбек ва қозоқ халқларини асрлар давомида шаклланган дўстлигига ҳеч қачон ғубор юк-тирмайлик, уни қўзғорачилимиздек асрайлик, янада мустақамлайлик. Ислам Каримов ҳам ўз юртида доимо шу ҳақда гапирарди.

Қозогистон билан Ўзбекистоннинг эзгу мақсадларни қўзлаган сиёсати Марказий Осиёгагина эмас, балки бутун МДХ халқларига, ҳатто бутун Осиё қитъасига ўз таъсирини ўтказиши, шўбхасиз.

Мана шуларни эслар эканмиз, биз қардош ўзбек дийрида янги кўринишдаги мустақил давлат барпо этиш ишининг қўнғилдагидай амалга оширилаётганидан чин юракдан қувонамиз, эришилаётган муваффақиятлардан фахрланамиз.

Дўстимиз Ислам Каримовга, барча ўзбек халқига доимо баракали меҳнат, бахтиёр келажак тилаймиз. Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий жипслашиш халқларимизнинг бахтли келажакига қаратилган улкан маънога эга иш, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ишга қардош Туркманистон, Тожикистон халқлари ҳам қўшилиди, деб ишонамиш. Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг Орол муаммосини ҳал қилиш бўйича тузган битими, биргаликда ташкил этган Орол жамғармаси — уларнинг бу бирликка қўшилишининг яхши нишонасидир.

Хурматли меҳмонлар, жигарларимиз!

Бугун тантанали вазиятда очилаётган Қозогистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси кунлари икки халқ иттифоқини янада мустақамлайдиган муҳим тадбирдир. Бугунги муҳим тарихий бурилиш даврида бирлигимиз, яқин қўшнилигимиз янада мустақамланади, деб ишонаман. Мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти, табиий бойликлари, жўғрофий урни халқларимизнинг иттифок бўлиб, ўзаро фойдали муносабатлар урнатиб яшашига тула имконият беради. Ана шу йўлимиш ойдн бўлсин, икки қўшни халқнинг қардошлиги мустақамланаверсин! Осмонимиз доимо мусаффо бўлиб, заминимиз, халқимиз бахт-саодатга тула бўл

ТАБИАТ ВА ИНСОНИ

№ 42

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси



Тонг отди. Кўёш ҳали бош кутармаган. Уфқлар сурмаранг эди. Теварак-атроф шунчалар сукунат-да эдики!.. Беихтиёр уйлари-нинг, наинки уйлари-нинг, вужудинг шу сукунатга чирмашиб, борлиққа сингиб кетаётгандек туюларди.

Ям-яшил далалар мудо-роқ уйқуда. Фақат соҳили-ни қалин майса қоплаган ариқча чулдираб оқади. Ариқчада фалақда ёлғиз қолган Чўлпон юлдузи-нинг акси уйнайди. Кунглинган турли хил уйлар кечади: «Шу ўзи-мизнинг шовқин-суронга, югур-югурга тула яна бир кунимизнинг бошланиши-ми? Шу сукунатга чўмган олам ўзимизнинг серташ-виш дунёсими?»

Ха, уша кунимиз, уша дунёсими! Фақат сокинлик кучоғида ором олаётми! Шу сокин борлиқ қўйни-да юргинг келади. Майса-ларни бир-бир босиб, қа-

дам ташлайсан. Кўзинга кесилган дарахтларнинг қолган тўнкалари чалинади. Ариқ соҳилларида ўт-ўлан-лар сийраклашади. Кўз ёшидек туюлгани шабнам-ларга қараб уйга толасан: «Нималар бўляпти ўзи? На-ҳотки эрталабки сукунат,

сайрайди. Сенинг эса вужу-динг яйрайди.

Бу лаҳзада дов-дарахтга, соя-салқин хиббонларга ту-ла шаҳримизда жуда кўпдан бери қушларнинг шодон чу-гур-чугурини эшитмаганинг-ни уйлаб қоласан. Бир пайт-лар отанг ёки онанг айтган

Шунда яна уйлаб қоласан киши. Чиндан ҳам табиатни асраш учун нима қилдинг? Кесилган ўн туп дарахт ўр-нига лоақал тўрт тулғина ни-ҳол экдингми? Уларни пар-вариллаб воғга етказдингми? Йўқ бўлса, нега? Ахир табиат ўз уйимизку. Уйда рўзгор бут бўлса зориқмай яшаш мумкин бўлади? Та-биат ҳам бут бўлиши учун майса-ғиёҳлару дов-дарахт-лар, мусасффо сувлару поки-за тупроқ, тоза ҳаво билан сайроқи қушлар зарур.

Кунглимдан яна бир савол кечади: «Шундай бўлмоғи учун нима қилиш керак?»

Шу онда булбулнинг но-лакор сайроғининг илтижо-ли оҳанглари кулогинг ости-да садо беради:

— Асра! Асра! Асра! Борлиқни ураб турган су-кунат ҳам унга жўр бўлаёт-гандек, олам сенга илтижо қилаётгандек бўлади:

— Асра! Асра! Голлиб МИРЗО.

Туйгулар

САҲАР ХАЁПЛАРИ

эрталабки эрка табиат то кун ботгунча лоқайдлиги-миздан азобланади? Наҳот-ки оламдаги жами нарсаси бут бўлса, ҳаёт деб аталган неъмат лаззатли бўлишини унутиб қуямиз?»

Шу лаҳзада қушнинг но-лакор сайроғи эшитилиб қолади. Юрагинг бир олам туйғуга тулиб кетади. Бул-булли бу? Оҳ, митти қушим, тирикмисан? Қўшигингни эшитар кун ҳам бор экан-ку! Булбул нолакор

ҳикоялар ёдингга тушади. Ушанда шаҳарнинг турт да-ҳасининг ўз булбуллари бор эди, деган сўзлар хоти-рингдан кечади. Беихтиёр сўрайсан: қани ўша булбул-лар? Жавобини эса айтиш-га шошилмайсан. Ахир ло-қайдлигимиз эмасми қуш-ларни шаҳардан кетишга мажбур қилар? Энди эса бир марта дилдор чугур-чу-гурни эшитиш учун қанча йул босиб оромгоҳларга ке-ламиз.

ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ КЕРАК

Ўзбекистон Республикасининг «Табиати муҳофаза қилиш» ҳақи-даги Қонунини бажариш борасида «Ўзбекистон темир йўллари» дав-лат акционерлик компаниясида талай ижобий ишлар амалга оши-рилмоқда.

Айни пайтда унинг таркибида «Ўзтемирйўлтаъмирлаш» 1 ва 2-вагон депоси, «Тошкент тепловоз депоси», «Довон» автотранспорт корхонаси ва Тошкент алоқа автобазаси каби корхоналар мавжуд. Сунгги тайларда шу корхоналарда ҳаракат воситалари, автотранс-порт техникаси ишига катта эътибор берилляпти. Чикаётган захарли моддалар микдорини белгилловчи талонлар жорий этилди. Қайта иш-ланган газларнинг зарарли микдорини аниқловчи асбоблар ишга ту-ширилди, реостат синов пунктидан қичуви газларни тозалаш бора-сида илмий тадқиқот жадал олиб бориляпти, автотранспорт восита-ларининг кўп қисми газ ёнғилис билан ишланмоқда.

Бирок транспорт прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган текширувлар натижасига қура ушбу таъкилотда табиати муҳофаза қилиш ишлари батамом кўнгилдагидек деб бўлмайдми. Хусусан, «Ўз-темирйўлтаъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг транспорт це-ҳида ГОСТ талаблари мутлақо бажарилмаяпти. Қайта ишланган газ-ларнинг даражаси аниқлаб текширилмаяпти. Дизелли автомобиллар-гази димомсериз текшириляпти. Газни текширувчи асбоблар давлат назоратидан ўтмаган, аммо ундан йилнинг ҳар чорағида бир марта фойдаланиляпти, аралашма ҳосил қилувчи мослама эса буткул қу-лангилмаяпти.

«Тошкент» тепловоз депосида ҳам ҳаракат воситалари текширил-маган. Реостат текширув пунктда газ тозаловчи мосламалар ўрна-тилмаган. Корхоналарнинг экологик паспортини ўз вақтида тузиш чоралари қурилмаган.

Худди шу ҳолатни «Довон» автотранспорти корхонасида ҳам куза-тиш мумкин. Тошкент алоқа автобазасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 1995 йил учун қатор тадбирлар белгиланган, лекин уларнинг биронтаси ҳам табиати муҳофаза қилиш комитети билан келишилмаган.

Газларнинг ифлосланиш даражасини текширувчи «Инфралит 1100» газ анализатор асбоби нобоб ҳолда турибди. Газларнинг таркибиде-га захарли моддалар меъери текширилмаяпти. Бензин сарфини ка-майтирувчи ва ҳавога захарли моддалар чиқарилишини камайтирув-чи мосламалар қўлланилмаётми. Автокорхоналарнинг экологик пас-портини тайёрлаш борасидаги тадбирлар ўз вақтида бажарилмаяпти. Корхоналарда сув сарфини камайтириш, ишлатилган сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш чораларига эътибор берилмаяпти. Табиати муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқ кам-чиликларнинг келиб чиқишига асосий сабаб «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси корхоналаридаги мутасаддиларнинг бу му-ҳим, долзарб ишга эътиборсизлик билан қараб қўмитамиз қабул қилган қарорларни бажармаётганиликларида ҳамдир. Экологик ҳаво-гага ўз вақтида қўнчаллик билан ёндошиб, ҳаракат воситаларининг табиатга таъсирини қатъий назорат қилиш эса қўмитанг натижаларни бериши шубҳасиздир.

Исмон ШАМСИМУХАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг бўлим бошлиғи.

Шеърый лаҳзалар

БУЛОҚ

Оқиб ётар эди милтиллаб,
Тоқиб-томчи шабнамлар
каби
Бир йўловчи ойдан йўл ти-
лаб,
Оқиб қўйди булоқнинг ла-
бин.
Шундан булоқ шарқираб
кетди,
Куйин тинглар эди одам-
лар.
Суйи олис-олисга етди
Куйлар чопар, куйлаб жа-
даллар.
Олқишлади уни чин дил-
дан,
Тотиган чоғ сувида инсон
Булоқ эса шилдираб ҳар
дам
Олағ олар эди шодмон.
Қўшмади ҳаёт мазмун
Яшамоқнинг мадҳи яши-
рин.
Оби ҳаёт умр устуни
У бор — умр бол каби ши-
рин.
Гул-ғиёҳлар, дов-дарахт-
лар борқе,
Шу булоқдан сўрар мурув-
ват.
Булоқ суви уларга ёрки
Табиат ҳам олар куч-қув-
ват.
Томчи сувда акс ётар ос-
мон,
Томчи сув-ла яшнағай
олам,
Табиат ҳам ардоқлаб ҳар
он
Суйиб уни арқалар: болам.

Булоққа шул эзгу тиланим:
Йишмоқнинг бўлиб тирағи,
Улашавер борлиққа умр,
Отаверин тирик жон томир!
ИСТАКЛАРИМ
Кунда янги эртак сўйлаган
Дарахтлар баргларин уйна-
ган.
Боғларда, қирларда куйлаган
Шамолга ўхшашни истаётман.
Шарқираб чопишни уйлаган,
Чўлланинг бағрини сийла-
ган.
Майсалар бағрини сийлаган.
Сувларга ўхшашни истаётман.
Буюклик сарҳадин ўтгудек,
Қомати бўлутга етгудек,
Ҳайбати оламини тутгудек.
Чинорга ўхшашни истаётман.
Кулоқ тут шундайин ҳикмат-
га:
Лик тўла асалга, шарбатга,
Саховат, тўқилик, ҳинмат-
га,
Боғларга ўхшашни истаётман.
Бағрида бойлиги боғдад,
Ёғилган ҳар тоқидан қудрат,
Олийҳиммат, кўп олийҳим-
мат
Тоғларга ўхшашни истаётман.
Оналарга ўхшайди кўпроқ,
Оналардек меҳри ҳам қайноқ
Она дейман сени, эй тупроқ
Заминга ўхшашни истаётман.
Табиатдир қўзимда ёлқин,
Табиатдир дилимда тўлқин,
Табиатдир умримга мазмун
Саховатда бекиёс бўлган.
Табиатга ўхшашни истаётман.
Темур УБАЙДУЛЛО.

Шаҳримиз экологияси ҳақида таш-вишли натижалар тилга олинаётгани сир эмас. Ҳар гал назорат чоғида биз бир талай кўнгилсизликларга дуч кел-моқдамиз. Тўғри, шаҳар табиатини му-ҳофаза қилиш қўмитасининг курсатма-лари, атроф-муҳит муҳофазасига оид тавсиялар бирмунча ҳаётга тадбиқ этилган корхоналар, таъкилотлар бор. Лекин табиат муҳофазаси бу эртанги кунимиз эканлигини чуқур ҳис этиб, тула-туқис барча тадбирларни адо этиб келаётган корхоналар бу ишга бош-қош булган мутасадди раҳбарлар бар-моқ билан санарли десак тўғри бўла-ди.

Ҳозир шаҳар табиатини муҳофаза қи-лиш қўмитаси томонидан атмосфера-га зарарли чиқинди чиқарадиган 503 корхона, оқова ҳамда ишлатилган сув-ларни оби ҳаёт ҳавзаларига ташлаёт-ган 27 корхона ҳисобга олинган. Бу албатта, кўп. Тўғри, утган йили мод-дий қийинчиликларга қарамасдан та-лайгина ижобий ишларга эришдик. Ба-рибир қатор корхоналарда қуланган режадаги тадбирлар бажарилмай қо-либ кетди. «Тоштўқимачиш» заводи, «Ўзбеккишлоқмаш» ишлаб чиқариши билан, «Тошкенттепловоз-таъмир» заводи, Тепловоз депоси, ра-гнли металлургия иккиламчи қайта иш-лаш бирлашмаси, «Садаф» акционер-лик жамияти, лак-бўёқ заводи, «Тошшаҳроқтранс», «Тошшаҳарйулов-

ТАШКИПОТ ИШ БОШЛАДИ

Завод ва фабрикалар-дан чиқаётган тутунлар, минг бир хил чиқиндилар-нинг ҳаво, тупроқ ва сув ҳавзаларига беҳисоб чи-қариб ташланаётганлиги атроф-муҳитни, айниқса, ҳавони заҳарляпти.

Ана шундай ишларни бартараф қилишда «ЭКО-САН» — экология ва са-нитария халқаро жамгар-маси жонбозлик кўрсат-моқда. Жамгарманинг асосий вазифаси — мам-лакатимиздаги экологик муаммоларни ижобий ҳал этиш билан шугулланиш, шу йўлда изланишлар олиб боришдан иборат.

Яқинда Тошкент Давлат университетида бўлиб утган мажлисда «ЭКО-САН» халқаро жамгарма-си раиси Юсуф Шоди-метов шулар ҳақида сўз-лаб берди. Универси-тетда ушбу жамгарма-нинг бошланғич ташки-лотини фаолликни кучайтирмоқда. Ташки-лотта 12 нафар киши аъзо қилиб олинган. Раҳбар этиб эса Ҳафиз Музаффа-ров сайланган. Ташкило-тимиз табиат муҳофазаси учун жон куйдириб катта ишларни бажаришга ишончимиз қомил.

Нилуфар ОЧИЛОВА,
ТошДУ толибаси.

Ез чоғларида шаҳримизни қайнаб турган қозон-га қиёс қилса бўлади. Бетонланган ҳамда асфаль-ланган йўллар, биноларнинг томлари, деворлари жазирама қуёшнинг тафтини ютади. Кенга томон эса куннинг қизиб кетиши тобора ортади. Лекин бу микроклимнинг ҳамма инжиқлиги эмас. Гувиллаб бораётган машиналар тулқинига тормозларнинг, баллонларнинг шовқини ҳам қўшилиб кетади. Улар-нинг атроф-муҳитга чиқараётган захарли моддалар-ини айтмайсизми! Тутуни шаҳар узра бурқсиётган

СОФ ҲАВОНИНГ МАНБАИ

завод ва фабрикалар қанчадан-қанча. Лекин ваҳи-мага тушман! Она-табиатнинг бир эҳсони борки, у бизни барча тутунлару заҳарли газлардан ҳалос этади. Қандай эҳсон экан, дейсизми? Дарахт-да, оддий дарахт.

Айниқса теракнинг бу борадаги хизматлари кат-та. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси қарори неча ўн минглаб терак-ларни саноат корхоналари кўпроқ жойлашган ҳу-дудларга экишга қаратилган.



Бегубор ҳаво, ухшаши йўқ гузал табиат оғуши ўз бағрига чорламоқда. Дарҳақиқат, сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришининг, зилзол сувларда сўзиб оқиб олиннинг гашти ўзгача. Шунинг учун ҳам ҳамшаҳарларимиз сўлим гушаларни жондан севадилар.

Теракдан кейин каштан дарахти атрофдаги газ-ларни ютиб, кислород беришни қойиллятади. Шу-нингдек шовқин камайтиришда ҳам унинг ҳиссаси каттадир.

Қуёш тобора қиздиргани сари дарахтларнинг барглари намликни кўпроқ ҳосил қилади. Дарахт-ларнинг муздек соя-салқини сабаби ҳам шунда. Маълум бўлишича, ҳар бир дарахт ўзи эгаллаб турган майдондан 20 марта кўпроқ ҳудуд ҳавоси-ни буғлантирар экан.

Якка дарахтлар ҳаводаги ҳамма ифлос газлар-ни тозалаб беролмайди. Шунинг учун ҳам дарахт ниҳолларини қанчалик кўп экилса, мақсадга муво-фиқдир. Улар эса фақат заҳарли газларни эмас, балки ҳаводаги чангу гўбдорларни ҳам тозалайди.

Дарахтлар кўплаб экилган ҳудудларда шабадасиз қуруқ об-ҳавода ҳам ҳавонинг бир ердан бошқа ерга қучиши учун шароит яратилади.

Чинор, жўка дарахти экилган ҳудудларда осийишталик ҳўкмон бўлади. Айниқса, Мустақил-лик майдонида, Мирзо Улугбек номли истироҳат боғининг соя-салқин ерларида ўзингизни гўё эр-таклар мамлакатига тушиб қолгандек ҳис этасиз.

Дарахтларнинг узидан хушбўй ҳидлар тарати-ши купчиликка хуш ёқади. Бунга сабаб улардан чиқётган фитонцид моддасидир.

Хуллас, халқимиз ўт-ўлан, дарахтзорларни бе-корга яшил бойлик деб атамайди. Уларни ас-раш, авайлаш, қўлайтириш, парваришлаш барча-мизнинг инсоний бурчимиздир.

Ким ФАТТОХОВ,
Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг нозир.



Бегубор ҳаво, ухшаши йўқ гузал табиат оғуши ўз бағрига чорламоқда. Дарҳақиқат, сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришининг, зилзол сувларда сўзиб оқиб олиннинг гашти ўзгача. Шунинг учун ҳам ҳамшаҳарларимиз сўлим гушаларни жондан севадилар.

ҚАЧОН ЖАРИМАСИЗ ИШ БИТАДИ?

Долзарб мавзу

қўйилишни афзал билишавтган булса ажаб эмас.

Шаҳримиздаги ташкилот ва корхоналар оқова сувларни ифлослантирувчи модда-лардан тозалаш масаласини хал қилмаёт-тилар. Маълумки, нефть маҳсулотлари, сув юзасида турадиган фалол моддалар, оғир металллар шаҳар сув тозалаш нишоотлари-да ҳам тозаланмайди. Демак, бу масала билан корхоналардаги мутахассислар ни-ҳоятда жиддий шугулланишлари керак.

Бу йил март ойиғача булган муддатда дилимизни хира қиладиган талайгина на-тижаларга дуч келдик. «Тошқимачиш», «Зенит», «Тоштўқимачиш», 341-те-

мир-бетон буюмлари ҳамда чинни завод-лари, «Мебель», «Тошқилшққмаш» ишлаб чиқариши бирлашмалари, Тошкент тракт-тор заводи сингари 18 дан зиёд йирик корхоналар меъёрдан бир неча баробар ор-тик чиқиндилар чиқараётган экан. Бу чиқиндилар ҳеч қачон шаҳримизнинг ҳа-восини яхшиламаган, унинг табиий ша-роитини енгиллаштирмаган. Худди шун-

да. Натижада ҳавони, сувни, ерни иф-лослантирадиган янги-янги манбалар пайдо бўлмоқда. Янгидан ташкил бўл-ган корхоналарга муқамал тозалаш нишоотлари қуриш ёки ўрнатиш ҳо-зирча ҳеч кимнинг ҳавоига келмаяпти. Янги ишлаб чиқариш тармоғи юза-га келаётганда уларнинг раҳбарлари Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қи-лиш комитетига мурожаат қилиб, тех-ник жараёнини ўрганишга имкон ярат-салар, экологик экспертизанинг ҳуло-сасини оласлар, жуда ҳам яхши иш бўларди.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш комитетининг ақинда бўлиб ўт-ган ҳайъат йиғилишида шу ҳақда жид-дий гап борди. Ҳайъатнинг қабул қил-ган қарориди «Корхоналар чиқиндилар чиқаришини бир мезгилга солиштириш», «Корхона раҳбарлари меъёрдан ортик чиқарилган чиқиндилар учун қўшимча ҳақ тулашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид тадбирларни бажариш мажбурияти юклатилсин» деган сўз-лар борки, улар табиатни эъзозлаш қанчалар зарурлигини исботлаб туриб-ди. Чини билан ҳам келгуси авлодга жарима патталарини қолдирамизми? Келгуси авлодимиз тоза ҳаводан на-фас олиши, гуллаган заминда яшаш керак эмасми?

Хайриятса РАҲАБОВА,
Фарида ҲОЗИЕВА,
Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходимлари.

Текширишда аён бўлди

ЁМОН ОДАТ

Маълумки, шаҳар табиати му-ҳофаза қилиш қўмитаси нозир-лари ой сайин корхона, ташки-лот, мақсасларда бўлиб, у ер-даги аҳвол билан танишадилар, тегишли ҳулосалар чиқарадилар, тавсиялар берадилар.

Утган ой давомида 69 та са-ноат корхонаси ҳамда 15 та бош-қа чиқиндилар чиқарувчи манба-лар синчиқлаб текширишдан ў-казилди. Иш кўнгилдагидек бў-раётган корхоналар билан бир қаторда дилимизни хира қилает-ган холлар ҳам борилиги аниқ-ланди.

«Узсувмашойиш» илмий иш-лаб чиқариш бирлашмасида та-лайгина қондабузарлиқлар ма-вжуд экан. Бу ерда сувдан фойда-ланиш учун махсус рухсатнома олишмасини устига, қувурларни-нг ёриқларидан сув, нефть маҳ-сулотлари оқиб ётганининг гуво-ҳи бўлди. Ховлида эса қўрилиш, саноат, ҳужайли-маиший молла-ри уюлиб ётибдики, бу ҳеч қайси қонун-қондага сиймайди. Албат-та бирлашманинг бош директо-ри А. Д. Сан катта микдорда жа-рима тулаганини айтиб ўтиш ор-тиқча бўлса керак.

«Тошқилшққмаш» ишлаб чиқ-ариш бирлашмасида ўтказилган қайта назорат чоғида 33-дехнинг аккумуляторларни ювиш участка-сидаги 1-чиқинди чиқариш ман-баига урилган муҳр узбошимча-лик билан бузилганлигининг гу-воҳи бўлди. Бу ерда нефть маҳ-сулотларини бир ерга тушлаш учун насослар ҳам йўқ. Бу насос-ликлар учун насос цехининг ус-таси жарима тўлайдиган бўлди.

«Тоштўқимачиш» ишлаб чиқ-ариш бирлашмасида, енгил ме-талл конструкцияларни заводда эса сувни муҳофаза қилишда қон-да бузарлиқларга йўл қўйилган. «Самит» илмий ишлаб чиқ-ариш бирлашмасининг совун тайёрлаш цехида экологик экс-пертиза ҳулосаси тегишли ҳуж-жатлар йўқлиги сабабли иш фао-лияти тўхтатиб қўйилди. Худди шундай эътиборсизлик қилгани учун 6-темир бетон буюмлари

заводи, 1-Тошкент уйсозлик ком-бинати, «Ўзбекқозқоқтранс» та-шкilotининг ҳам тегишли участкаларида иш фаолияти тўх-татиб қўйилди.

«Барака» кичик корхонаси қу-рилиши Бурижир канал ҳуду-дида рухсатномасиз, тегишли бошқа ҳужжатларсиз табиати муҳофаза қилиш қўмитаси би-лан келишмасдан олиб бори-лаётгани, бунинг устига ифлос сувларни каналга ташлаётгани учун тўхтатиб қўйилди. «Экоба» ишлаб чиқариш бирлашмасини-нг эмумлисиялар тайёрлаш цехи ҳам тегиб қўйилди. Чунки, бу ер-да экологик жаран бузилган, тупроққа жиддий эиен етиш ҳав-фи туғилган эди. «Ирмонтаж» қушма корхонасидаги аҳвол бун-дан ҳам жиддий эди. Хавога за-рарли чиқиндилар чиқариш учун рухсатнома олинмаган. Омбор ҳудудида ёнғилган ерда ётиб-ди. Электр участкадаги транс-форматордан вг томаётгани би-лан ҳеч кимнинг иши йўқ. Оқиб-бат натижада корхона бош ди-ректористинг уринбосари Т. У. Мустифоевнинг жарима тулаш-дан бошқа илоҳи қолмади. Худ-ди шундай «Ўзбекқилшққмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси-нинг бош муҳандиси М. Воси-ковга ҳам қозонқонадаги чиқин-дилар чиқаришни улчовчи жи-ҳоздан фойдаланилмагани, иш-латиш қондасини бузгани учун жарима солинди.

Биз бугун табиат муҳофаза-сидаги барча корхоналардаги иносозликлар ҳақида сўзламалар. Негадир кейинги пайтларда жа-рима тулаш одад тусига кириб қолляпти. Яхшии, бундай одад-дан вақтида воз кечасак, табиат-ни жон-дилдан севиб, бурчи-мизни ўз вақтида адо этсак ях-ши бўларди.

Наргиза ЁДГОРОВА,
Тошкент шаҳар табиати му-ҳофаза қилиш қўмитасининг илмий - техника тармақиди ва экологик тарғибот бўлими мутахассиси.



